



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

№4/2

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 4/2-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Умар Худайбердиев Камбағаллик даражаси ва уни қисқартириш йўллари	66
Меҳрангиз Олимовна Мамаюнусова Аҳолининг ўсиши, камбағаллик даражаси ва аҳоли камбағал қатламининг ўзгариш тенденциялари	69
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Nilufar Abdaxatovna Abdukadirova Umumiy ovqatlanish korxonalari faoliyatida innovatsiyalarni rivojlantirish yondashuvlari	74
Навруз Абдуллаевич Кудратов Пути эффективного развития услуг электронной коммерции (на примере Самаркандской области)	77
Dilrabo Shirinboyevna Mardonova Samarqand viloyatida mehmonxona xizmatlari integral samaradorligi ko‘rsatkichlarini hisoblash	80
Farhod Mahmudovich Tirkashyev Xizmatlar ko‘rsatish sohasida intellektual mulk obyektlarini boshqarish xususiyatlari	86
Lazizjon Sharifovich Kuldoshev Xizmat ko‘rsatish sohasida raqobatbardoshlik salohiyatini baholashga ilmiy yondashuvlar	91
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Аҳмаджон Таниев Туризмнинг атроф-муҳитга таъсири ва барқарор ривожланиш стратегиялари	97
Umida Ziyadullayevna Raximova Turizm Infratuzilmasining hozirgi holati	105
Gulmira Rabbonovna Tursunova Turistik mahsulot iste’molchisini tasniflash	110
Bekzod Sherzodovich Sharipov Inklyuziv turizm destinatsiyalarini shakllantirishning konseptual, nazariy-metodologik asoslari	116
Ulug‘bek Egamberdiyevich Boynazarov Oilaviy mehmon uylari uchun mahalliy va xalqaro me‘yorlar xususiyatlari	121
Dilyor Zafarovich Hakimov O‘zbekistonda etnografik turizmni rivojlantirish samaradorligini oshirish yo‘llari	124
Зухрали Турсуналиевич Абдулхакимов Туризм индустриясини ривожлантиришда минтақавий назариялар ўрни ва роли	130
Aziza Javaxirovna Mir-Djafarova Mehmonxona xo‘jaligida yashil texnologiyalarni joriy qilishning innovatsion yechimlari	135
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Азизбек Исомиддин ўғли Асроров Кичик бизнес субъектларини кредитлаш тизимини такомиллаштириш масалалари	139
Pyos Pخomovich Ayubov, Sumbula Kurasheva Iqtisodiy islohotlarning tadbirkorlikni rivojlantirishdagi o‘rni	145

КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Азизбек Исомиддин ўғли Асроров – Тошкент Халқаро Кимё Университети мустақил
изланувчиси

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ КРЕДИТЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада кичик бизнес субъектларини тижорат банклари томонидан кредитлаш жараёнларида кузатилаётган муаммолар ва уларни юзага келтирувчи омиллар таҳлил қилинган. Шунингдек, тижорат банкларининг кредит, фоиз ва депозит сиёсатини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, тижорат банклари, кредит, кредит сиёсати, фоиз сиёсати, депозит сиёсати, кредитнинг гаров таъминоти.

Кириш. Бугунги кунда республикамызда бизнес юритиш муҳитини тубдан яхшилаш, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига янада кўпроқ имкониятлар бериш юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун кўрсатилаётган хизматлар, уларга молиявий кўмак бериш ва кредитлаш ҳажмини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда иқтисодий таркибий ўзгартириш, саноат тармоқларини модернизация қилиш, хусусан, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида банк тизими томонидан амалга оширилаётган ишлар Халқаро молия бозорлари томонидан юқори баҳолашиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида, хорижий инвесторлар ва халқаро молия институтларининг Ўзбекистонга бўлган қизиқишини ортишига олиб келади.

Шу боисдан, кугунги кунда кичик бизнес субъектлари фаолиятини банклар томонидан кредитлаш амалиёти билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилиш ва такомиллаштириш борасида илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш долзарб тадқиқот йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Кичик бизнес субъектларини кредитлаш тизимини такомиллаштириш мавзусида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, маҳаллий олимлардан А. Темиров кичик бизнес субъектлари фаолиятида молиявий натижаларни аниқлаш, кредитлаш имкониятларини кенгайтириш ва банк ликвидлигини таъминлаш бўйича тадқиқотлар олиб борган¹. И. Алимарданов эса, кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини яхшилашга қаратилган тадқиқотларида кредит сиёсати самарадорлигини ошириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиққан². М. Рустамов ўзининг кичик бизнес субъектларини хорижий кредит ленияларидан фойдаланиб кредитлаш ва кичик бизнес субъектларини кредитлаш методологиясини такомиллаштириш каби тадқиқотларида кичик бизнес субъектларини хорижий ва маҳаллий жалб этилган маблағлар ҳисобидан кредитлаш методологиясини такомиллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини илгари сурган³.

Бундан ташқари, хорижлик олимлардан, Стиглитз ва Веисс стартап лойиҳаларини кредитлаш механизмларини такомиллаштириш юзасидан назарий жиҳатларини ишлаб чиққан. Уларнинг тадқиқотлари кичик бизнес субъектларининг кредитга лаёқатлилигини таъминлаш йўлларига бағишланган⁴. Патерсен ва Ражанлар кичик бизнесни молиялаштириш, банклар ва хусусий сектор ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилишган, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишган⁵.

¹ <https://iqtisodiyot.tsue.uz/journal/index.php/iit>

² <https://ejournal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2759>

³ Рустамов М.С. Кичик бизнес субъектларини кредитлаш методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодий фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. 2023 й.

⁴ Жозеф Стиглитз ва Эндрю Веисс. Credit Rationing in Markets with Imperfect Information., (2019)

⁵ "Small Business Credit Availability and Relationship Lending" (1995)

Тадқиқот методологияси. Мазкур илмий тадқиқот доирасида кичик бизнес субъектларига банклар томонидан ажратилаётган кредитларнинг ўртача фоиз ставкалари, жисмоний ва юридик шахсларнинг муддатли депозитлари ҳамда гаров таъминотини баҳолаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки, Статистика қўмитаси ва тижорат банкларининг расмий статистика маълумотларидан фойдаланилган. Иқтисодчи-олимларнинг илмий қарашлари ҳамда қонунчиликдаги меъёрий ҳужжатларга асосланиб, ишда илмий абстракциялаш, анализ, гуруҳлаш, синтез, индукция ва дедукция усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Бизга маълумки, Пул-кредит сиёсати самарадорлигини чекловчи муҳим омил бир имтиёзли кредитлар ҳисобланади. Шу боисдан, кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш ва инвестиция лойиҳаларни молиялаштириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш мақсадида турли давлат дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар ажратиш жараёнини босқичма-босқич бозор тамойилларига ўтказиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу орқали имтиёзли кредитларнинг улушини камайтириш ва барча тадбиркорлик субъектлари учун кредит бозоридан моливий маблағларни жалб этиш учун бир хил имтиёз ва шарт-шароитлар яратишдан иборат. Хусусан, 2024 йилда ажратилган жами кредитлар ҳажмида имтиёзли кредитлар улуши 2018 йилдаги 49,1 фоиздан 17,4 фоизгача пасайган бўлса, имтиёзли кредитларнинг жами кредит қўйилмаларидаги улуши 2018 йилдаги 55,8 фоиздан 29,5 фоизгача қисқарган¹.

Юқоридаги мулоҳазаларга таянган ҳолда, тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўналишида кузатилаётган бир қатор муаммоларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

1-муаммо. Мақсадларнинг номувофиклиги. Маълумки, тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган кредит хизматлари мустақил равишда ишлаб чиқиладиган кредит сиёсати билан тартибга солинади.

Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашдан асосий мақсад уларни молиявий мустақилликка эришиши, ҳаёт фаровонлигини таъминлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришдан иборат. Улар ўз фаолиятларини хусусий маблағларнинг кескин етишмаслиги ёки умуман мавжуд эмаслиги шароитида ташкил этишга мажбур. Айни пайтда, қўллаб кичик бизнес субъектлари банкларни тўлиқ қаноатлантириши мумкин бўлган гаров объектларига, тезкор даромад олишни таъминлаши мумкин бўлган молиявий оқимларга, ҳамда турли табиатга эга бўлган рисклардан ҳимояланиш воситаларидан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги, айрим ҳолатларда молиявий саводхонлик даражасининг пастлиги ҳам банклар томонидан уларни кредитлаш жараёнида қўллаб муаммоларни юзага келтирмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, кичик бизнес субъектлари учун узоқ муддатли, паст фоиз ставкаларида, имтиёзли шартлар асосида бериладиган кредитлар талаб этилади. Тижорат банклари эса, аксинча, тезкор ва юқори даромад келтирадиган, тўлиқ қафолатланган ва имкон қадар қисқа муддатли кредитларни тақдим этишдан манфаатдор ҳисобланади.

2-муаммо. Кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг нобарқарорлиги. Тижорат банклари томонидан кредитлаш жараёнлари бизнес режани таҳлил қилишдан бошланади. Бунда асосий эътибор кредит ажратиш режалаштирилаётган лойиҳа бўйича молиявий оқимлар таҳлили кредит бўйича асосий қарз, ҳисобланган фоизлар ҳамда мажбурий тўловларни амалга ошириш учун етарли бўлишига қаратилади. Молиявий оқимлар таҳлили тижорат банклари учун лойиҳанинг ҳаётга қобиллиги ва самарадорлигини аниқлашда асосий маълумот манбаси бўлиб, юзага келиши мумкин бўлган рисклардан ҳимояланиш воситаларини танлаш имкониятини беради. Молиявий оқимларни режалаштиришда одатда экстрополяция усулидан фойдаланилади ва ўтган даврларда юзага келган ўртача баҳолар эътиборга олинади. Бунда ушбу баҳоларнинг нисбий

¹https://cbu.uz/upload/medialibrary/584/b9bqman8aw0j59gpiuzfivb1n29vy9ho/Pul_kredit_siyesati_asosiy_yunalishlari_2024.pdf

барқарорлиги бизнес режалаштиришнинг ҳаққонийлигини белгилаб берувчи бош омил сифатида қаралади.

Тижорат банклари томонидан кредитлаш амалиётини олиб боришда барқарор фоиз ставкаларини ўрнатилиши кичик бизнес субъектларининг молиявий муваффақиятини таъминлаши мумкин ёки аксинча, фоизлардаги кескин ўзгаришлар харажатлар ҳажмини оширган ҳолда, банкротлик рискинни кучайтириши эҳтимоли юқори. Буни эътиборга олган ҳолда, тижорат банклари томонидан 2023 йил ва 2024 йилнинг январь-октябрь ойларида ажратилган кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари динамикасини таҳлил қиламиз.

Маълумотлардан кўринадик, 2023 йил давомида жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси юқори тебраниш ва ошиб бориш тенденциясига эга бўлган. Хусусан, жами жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 2023 йилнинг биринчи чоракида 22,8 фоизга тенг бўлган бўлса, мос равишда II чоракда 23,1 фоизга, III чоракда 23,8 ва IV чоракда 24,9 фоизгача кўтарилиб, I чоракка нисбатан 1,1 фоиз пунктига ошган. Ушбу ҳолатни аҳолининг қарз маблағлари, истеъмол буюмлари ва автомашинага нисбатан эҳтиёжининг ошиб бориши билан изоҳлаш мумкин. Аммо, 2024 йилнинг биринчи чоракдан ушбу кўрсаткич тушиш тенденциясини намоён қилиб, мос равишда I чоракда 24,8 фоиз, II чоракда 24,6 фоиз ва III чоракда 24,2 фоизга тенг бўлган.

2023-2024 йилларда юридик шахсларга ажратилган кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаларида ҳам кичик ўсиш кузатилган бўлиб, 2023 йилнинг биринчи чоракда мазкур ставка 22,0 фоизни ташкил қилган бўлса, IV чоракка келиб 22,2 фоизгача ошган. 2024 йилда ҳам ўртача фоиз ставкасида 0,1-0,2 фоиз пункти оралиғида ўзгариш кузатилган.

Таҳлиллардан кўринадик, банк тизимидаги юқори реал фоиз ставкалари аҳолининг жамғариш фаоллигини оширишга олиб келади. Кредит қўйилмалари ўсишининг мўътадиллашуви ва омонатлардаги юқори ўсиш суръатлари ялпи талабни мувозанатлаштириш ва инфляцияга монетар омиллар таъсирини пасайтириш имконини беради.

1-жадвал

Тижорат банклари томонидан миллий валютада ажратилган кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари динамикаси (фоизда)¹

Кўрсаткичлар	2023 йил				2024 йил		
	I	II	III	IV	I	II	III
Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	22,8	23,1	23,8	24,9	24,8	24,6	24,2
Юридик шахсларга ажратилган кредитлар	22,0	22,3	21,8	22,2	22,8	22,5	22,8

Бундан ташқари, банк фаолиятининг замонавий шароити ва ундаги муаммоларга бағишланган илмий тадқиқот ишлари ва амалий манбаларда банк кредитлари бўйича фоиз ставкалари даражасига Марказий банкнинг мажбурий заҳиралар сиёсати, асосий ставкаси, шунингдек, лаҳзалик ва жорий ликвидликни таъминлаш бўйича белгиланган меъёрлар ўз таъсирини ўтказиши аниқланган. Бунга асосланган ҳолда юқорида келтирилган омилларнинг баъзи бирларини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

2-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2023-2024 йиллар давомида банк тизимида жалб этилган жисмоний ва юридик шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари динамикасида ҳам барқарорлик ҳолати бўлмасдан, маълум тебранишлар кузатилган. Хусусан, 2023 йилнинг биринчи чоракида жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 20,5 фоизни ташкил этган бўлса, тўртинчи чорак якуни бўйича 21,5 фоизга ёки

¹ <http://www.cbu.uz/uzc/statistics/> - маълумотлари асосида тайёрланган.

**Миллий валютадаги муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз
ставкалари, (фоизда)¹**

Кўрсаткичлар	2023 йил				2024 йил		
	I	II	III	IV	I	II	III
Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари	20,5	20,9	21,4	21,5	21,3	21,6	22,0
Юридик шахсларнинг муддатли депозитлари	16,5	17,6	17,0	17,7	18,1	17,0	16,9

1,0 фоиз пунктига ошган. 2024 йилда ҳам ушбу ставка нобарқарор тенденцияни намоён қилиб, 2024 йилнинг 3-чорагида 22,0 фоизгача кўтарилган.

Юридик шахслардан муддатли жалб этилган депозитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкаларида ҳам нобарқарорлик сақланиб қолган. 2023 йилнинг 1-чорагида ушбу ставка 16,5 фоизга тенг бўлган бўлса, 2-чоракда 17,6 фоизгача ошган. Аммо 3-чоракка келиб 17,0 фоизга тенг бўлиб, 2 чоракка нисбатан 0,6 фоиз пунктига камайган. 4-чоракда эса, 17,7 фоизгача кўтарилган. 2024 йилнинг 1-чорагида 18,1, 2-чорагида 17,0 фоизга тенг бўлган. 3-чоракда эса 16,9 фоизга ёки 1-чоракка нисбатан 1,2 фоиз пунктигача пасайиш тенденциясини намоён қилган.

Амалга оширилган тадқиқотлар кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг тўхтовсиз ўсиб бориши ва тижорат банкларининг депозит сиёсатидаги ўзгаришлар ўртасидаги маълум корреляцион алоқадорлик мавжудлигидан далолат беради. Аммо, мазкур алоқадорлик бутун вазиятни изоҳлаб бериши даргумон. Чунки банк тизимида жалб этилган депозитларнинг таркибий тузилмасида талаб қилгунга қадар депозитларнинг салмоғи бугунги кунда юқори даражада сақланиб қолмоқда.

3-муаммо. Кредитлар бўйича гаров таъминотини баҳолашда ягона услубиятнинг мавжуд эмаслиги. Тижорат банклари томонидан ишлаб чиқилган кредит сиёсатларида гаровга олинган мулк турига қараб гаров мавзуига нисбатан қўйиладиган талаблар ва кредитнинг гаров қийматида нисбатини ўз ичига олиши керак деб белгиланган. Гаров мавзуи синчиклаб баҳоланиши ва унинг бозор қиймати уни сотиш лозим бўлган пайтда юзага келиши мумкин бўлган зарар ўрнини қоплаши лозимлиги аниқ ёритилиши зарур. Гаров мавзуи баҳоловчи ташкилот ва ички банк баҳоловчиси томонидан баҳоланадиган ҳоллар кўрсатиб ўтилиши керак. Турли гаров тоифаларини баҳолаш услублари батафсил акс эттирилиши лозим. Кўчмас мулк, ишлаб чиқариш жиҳозлари ва истеъмол кредитларини молиялаш учун бериладиган кредитларни тўлаш ҳисобига қарздор томонидан аванс тўловларини киритишга доир муайян талабларни ўз ичига олиши зарур деб қаралади.

Қайд этилган талаблар кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда гаров объекти қандай ҳолларда баҳоловчи ташкилот томонидан, қайд ҳолатда ички банк баҳоловчиси томонидан баҳоланиши аниқ кўрсатилиши зарурлигидан далолат беради. Аммо, банк кредит сиёсатларида гаров объектини баҳолаш услубияти бир биридан кескин фарқ қилади. Ўз навбатида, тижорат банкларини кредит сиёсатида гаров объектини баҳолашнинг ҳар бир банкка хос бўлган умумий ва қатъий белгиланган талаблари акс эттирилмоқда. Бу эса айниқса, кичик бизнес субъектлари фаолиятини кредитлаш бўйича ижобий қарорларни қабул қилиш жараёнида кўплаб муаммоларни юзага келтирмоқда.

Тижорат банкларининг маълум бир қисмида гаров объектини баҳолашда яқуний бозор баҳосини аниқлашга асосланган ёндашув қўлланилади.

3-жадвалда гаров объектини баҳолаш бўйича келтирилган усуллар назарий ва амалий нуқтаи-назардан асосланган бўлишига қарамадан, баҳолаш соҳасида етарли билим ва кўнималарга эга бўлмаган тадбиркорлар учун ўз манфаатларини ҳимоялаш борасида жиддий муаммоларни келтириб чиқаради.

¹ <http://www.cbu.uz/uzc/statistics/> - маълумотлари асосида тайёрланган.

Гаров объектининг якуний бозор баҳосини аниқлаш тартиби¹

Кўрсаткичлар	Умумий баҳолашдаги салмоғи		
	Харажатларга асосланган ёндашув	Таққослашга асосланган ёндашув	Даромадга асосланган ёндашув
Маълумотларнинг аниқлиги	30	35	35
Маълумотларнинг тўлиқлиги	25	35	40
Сотувчи ва харидорнинг ҳақиқий мақсадларини ҳисобга олиш имконияти	20	50	30
Бозор конъюктурасини ҳисобга олиш имконияти	25	40	35
Гаров объектининг ҳажми, жойлашуви, даромадлигини ҳисобга олиш имконияти	20	30	50
Ҳисоб-китобларда ҳисобга олинган ҳолатлар	35	35	30
Баҳолаш усуллари ва ҳаққонийлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг салмоғи (ўртача қиймат)	$Q_3=25,8$	$Q_c=37,5$	$Q_d=36,7$
Якуний бозор қиймати $= V_3 \cdot Q_3 + V_c \cdot Q_c + V_d \cdot Q_d$, бунда V_3, V_c, V_d - алоҳида ёндашувлар асосида ҳисобланган гаров объекти қиймати			

Алоҳида олинган банкларда ажратилаётган кредитлар ҳамда банк кафолатлари бўйича (ипотека кредитларидан ташқари) гаровга олинган мулкнинг турига қараб кредит ҳажмининг ёки кафолат суммасининг гаров қийматига нисбати қатъий белгилаб қўйилган. Хусусан, кўчмас мулклар – жорий бозор баҳосининг 60 фоизгача, транспорт воситалари:

- а) Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган транспорт воситалари:
 - ишлаб чиқарилган муддати 2 йилгача жорий бозор баҳосининг 80 фоизгача;
 - ишлаб чиқарилган муддати 3 йилгача 70 фоизгача;
 - ишлаб чиқарилган муддати 3 йилдан ошган бўлса 60 фоизгача олиниши назарда тутилган.

Шу билан бир қаторда, ажратилаётган кредитларнинг умумий суммаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва бошқа тижорат банклари ёки чет эл банклари кафолатлари мавжуд бўлса, уларнинг 100 фоизи миқдорида, давлат қимматли қоғозлари ва банклардаги депозитлар қийматининг 100 фоизи миқдорида, қимматбаҳо металллар ва тошлардан ясалган заргарлик буюмларининг 90 фоизи, кўчмас, кўчар мулклар, транспорт воситалари, мижоз ёки учинчи шахсларнинг товар-моддий заҳираларининг 80 фоизи миқдорида, учинчи шахс кафиллиги/кафолати ҳажмининг 30 фоиздан ошмаслиги лозимлиги қатъий ўрнатилган.

Фикримизча, гаров объекти баҳолашга нисбатан ёндашувларнинг иккала тури ҳам тадбиркорлар томонидан кредит маблағларини олиш имкониятини чеклаб қўяди.

Хулоса ва таклифлар. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини янада ривожлантириш борасида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

биринчидан, тижорат банклари томонидан кредит, депозит ва фоиз сиёсатини ишлаб чиқишда иқтисодиётда юз бераётган жараёнлар уларга қандай таъсир ўтказиши мумкинлиги олдиндан прогнозлаш тизими ишлаб чиқилиши лозим. Мазкур прогноз кредит ва депозитлар бўйича энг камида йил давомида барқарор бўлган фоиз ставкаларини мижоз-

¹ Тижорат банклари 2024 йилга мўлжалланган кредит сиёсати маълумотлари асосида тайёрланган.

ларга таклиф этиш имкониятини беради. Фоиз ставкаларининг нисбий барқарорлиги, айникса, ёш тадбиркорлар томонидан бизнес лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, маҳсулот нархлари бўйича рақобатбардошлигини оширишга доир тегишли тадбирларни олдиндан режалаштиришда муҳим аҳамият касб этади;

иккинчидан, тижорат банклари томонидан кредит таъминотиغا олинадиган гаров объектлари қийматини баҳолашнинг ягона, соддалаштирилган услубияти ишлаб чиқилиши лозим. Бу бир томондан гаров объектини ташқи ва ички банк баҳоловчилари томонидан бозор баҳосини белгилашдаги тафовутларни бартараф этиш, иккинчи томондан, тадбиркорларга гаров объекти банklar томонидан одилона баҳоланишини назорат қилиш имкониятини беради. Шу билан бир қаторда, гаров объектнинг аниқ ва одилона баҳоланиши уларнинг баланс қиймати, эскириши ва бошқа харажат моддаларини ҳисобга олиш жараёнини оптималлаштиради;

учинчидан, кичик бизнес субъектларига ажратилаётган ҳар бир кредит бўйича (унинг мақсади, муддати, манбасидан қатъи назар) фоиз ставкаси қандай харажатлар ҳисобига шаклланганлиги тўғрисидаги маълумот кредит шартномасида ўз ифодасини топиши лозим;

тўртинчидан, кредитлаш стратегиясини диверсификация қилиш лозим, Кичик бизнес субъектларини кредитлашда уларнинг соҳа хусусиятларига мувофиқ мақсадли кредит дастурларини янада такомиллаштириш зарур.

бешинчи, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида давлат томонидан тақдим этиладиган кафолатлар ва субсидиялар тақдим қилиш сиёсатини янада ривожлантириш, шунингдек, давлат ва хусусий ҳамкорлик механизмларини кенгрок қўллаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ¹ <https://iqtisodiyot.tsue.uz/journal/index.php/iit>
2. ¹ <https://ejournal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2759>
3. ¹ Рустамов М.С. Кичик бизнес субъектларини кредитлаш методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. 2023 й.
4. ¹ Жозеф Стиглицт ва Эндрю Веисс. Credit Rationing in Markets with Imperfect Information., (2019)
5. ¹ "Small Business Credit Availability and Relationship Lending" (1995)
6. ¹ https://cbu.uz/upload/medialibrary/584/b9bqman8aw0j59gpiuzfivb1n29vy9ho/Pul_kredit_si_yesati_asosiy_yunalishlari_2024.pdf
7. ¹ <http://www.cbu.uz/uzc/statistics/> - маълумотлари асосида тайёрланган.
8. ¹ <http://www.cbu.uz/uzc/statistics/> - маълумотлари асосида тайёрланган.
9. ¹ Тижорат банкларининг 2024 йилга мўлжалланган кредит сиёсати маълумотлари асосида тайёрланган.

<p>А.Асроров</p> <p>Вопросы совершенствования системы кредитования субъектов малого предпринимательства</p> <p>Аннотация. В данной статье проанализированы проблемы, возникающие при процессе кредитования коммерческими банками субъектов малого предпринимательства, а также основные факторы возникновения этих проблем. Кроме того, в данной работе приведены научные предложения и практические рекомендации по совершенствованию кредитной, процентной и депозитной политики коммерческих банков.</p> <p>Ключевые слова: малый бизнес, коммерческие банки, кредит, кредитная политика, процентная политика, депозитная политика, кредитование.</p>	<p>A.Asrorov</p> <p>Issues of improving the system of lending to small business entities</p> <p>Abstract. This article analyzes the problems that arise in the process of lending by commercial banks to small businesses, as well as the main factors of these problems. In addition, this paper provides scientific proposals and practical recommendations for improving the credit, interest rate and deposit policies of commercial banks.</p> <p>Keywords: small business, commercial banks, credit, credit policy, interest rate policy, deposit policy, lending.</p>
--	--

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

20.11.2024 йилда теришга берилди. 11.12.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0134В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.